

ФАРҒОНА ШАХРИ

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишончнома асосида Р.Холикназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “STRONG NETWORK” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Абдуллаев иккинчи томондан “Қува тумани “Бойистон” (“Қақир”) МФЙда янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш” объектга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

### II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Қува тумани “Бойистон” (“Қақир”) МФЙда янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш” объектда лойихада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар 2022 йил “23” ноябрь кунги №189182-сонли электрон баённома билан шакилланган қурилиш монтаж ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **611 915 000** (олти юз ўн бир миллион тўққиз юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади.Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **611 915 000** (олти юз ўн бир миллион тўққиз юз ўн беш минг) сўмни, молиялаштириладиган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **581 319 250** (Беш юз саксон бир миллион уч юз ўн тўққиз минг икки юз эллик) сўмни, ташкил этади.Қолган маблағ объект фойдаланишга топширилиб қафолат муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-\_\_\_-иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V.Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI.Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 25 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдоридан, икки ойга тенг улушларга (ойига 15фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказилади, бу  $91\ 787\ 250 \times 2 = 183\ 574\ 500$  (Бир юз саксон уч миллион беш юз етмиш тўрт миң беш юз) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПФ-140-сон Фармонида асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 95 фоизи миқдоридан ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътироз йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкый ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII.Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## Х. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

41. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиршномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

### **XII. Кафолатлар**

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

49. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; -ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорӣ қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар**

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

#### **XVI. Низоларни ҳал қилиш**

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVII. Алоҳида шартлар**

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқӣ ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Ҳазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга ҳисобланади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

### Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “Пудратчи”

"STRONG NETWORK" МЧЖ

Манзил: Фарғона вилояти .Янги Маргилон. Али


қушчи кучаси 61 уй

р/сч 20208000800453826001

Тел:93-738-17-77

АТБ«Хамкорбанк» г.Кувасой фил

МФО: 01003, ИНН: 302 852 330



Раҳбар: А.Абдуллаев

М.У

#### “Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-уй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр: 301121860304017063201110218

СТИР: 305-987-080

ОКОНХ 42210


ХР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014

СТИР: 201 122 919



Раҳбар: Р.Холикназаров

М.У

Ҳуқуқий ҳулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Пудратчи раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист \_\_\_\_\_ А.А.Нишонов

**“Қува тумани “Бойистон” (“Қақир”) МФЙда янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш”  
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини молиялаштириш графиги**

Жами қурилиш қиймати 611 915 000 (олти юз бир миллион тўққиз юз ўн беш минг) сўм ҚҚС билан

2022 йилда молиялаштирилмаган 581 319 250 (Беш юз саксон бир миллион уч юз ўн тўққиз минг икки юз эллик) сўм ҚҚС билан

2023 йилда молиялаштирилмаган маблағ

2023 йилда молиялаштирилмаган маблағ (шундан кафолат суммаси ушлаб қолинади)

Молиялаштириш шартлари	Жами қурилиш қиймати	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йил												2023 йилда қолган маблағ	
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Дектябрь	2022 йил учун 5 % ли сўмма			
Аванс 30 %	183 574 500,0		183 574 500,0											91 787 250,0	91 787 250,0		
бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш 65 %	397 744 750,0		397 744 750,0												397 744 750,0		
Фойдаланишга топширилиб, кафолат муددати тугайдан сўнг молиялаштирилмаган маблағ 5 %	30 595 750,0	0														30 595 750,0	
<b>ЖАМИ:</b>	<b>611 915 000,0</b>	<b>0</b>	<b>581 319 250,0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0,0</b>	<b>91 787 250,0</b>	<b>489 532 000,0</b>	<b>30 595 750,0</b>	<b>0</b>

Пудратчи:  
OOO STRONG NETWORK



Буюртмачи:  
“Сув таъминоти ва оқова сув объектиларни қурилиш бўйича илжинириш компанияси” УК Фаргона вилояти аудудий бошқармаси бошлиғи:



Р.Холмисазаров



**"УТВЕРЖДАЮ"**  
 "Узсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва  
 оқова сув объектлари қурилиши бўйича  
 инжиниринг компанияси" УК директори

\_\_\_\_\_ Х.Якубов

" \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2022 й.

**Қурилишнинг титуль рўйхати**

Бўлим I. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Қурилиш жойи ва номи	"Қува тумани "Бойистон" ("Қақир") МФЙда янги қурилатган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш"		
инвестор	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси		
Буюртмачи	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси		
Лойихачи номи	"Фарғона Лойиха Қурилиш Таъмирлаш" МЧЖ		
ЛХС	Бор		
Экспертиза	№62651	27.09.2022 й	
Бош пудратчи	ООО STRONG NETWORK		
Молиялаштириш манбаси	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси		
Қурилиш бошланиш ва тугаш вақти	2022-й.		

2. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари:	Лойиха бўйича	1.01.2022 й. Холатига қолдиқ	1.01.2023 й. Холатига қолдиқ
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)	0,35 км		
Асосий фондлар	637,06	637,06	0,00
Капитал қўйилмалар	637,06	637,06	0,00
Қурилиш монтаж ишлари	611,92	611,92	0,00
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00	0,00	0,00
Бошқа иш ва хизматлар	25,14	25,14	0,000
Бошқа иш ва хизматлар		0,00	0,00

Шартнома нархларида (млн.сўм)			
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)		0,35 км	
Асосий фондлар		611,92	
Капитал қўйилмалар		611,92	
Қурилиш монтаж ишлари		611,92	
Ускуна, жихозлар, инвентарлар		0,00	
Бошқа иш ва хизматлар		0,00	
Бошқа иш ва хизматлар		0,00	

Бўлим II. 2022 йил чораклар бўйича. (жорий нархда млн.сўм)					
	Йиллик жами	жумладан чораклар бўйича			
		I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириш қуввати	0,35 км 1 объект				
Асосий фондлар	611,92				
Капитал қўйилмалар	581,32	0,00	0,00	0,00	581,32
Қурилиш монтаж ишлари	581,32	0,00	0,00	0,00	581,32
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00				
Бошқа иш ва хизматлар	0,00				
Буюртмачининг саклаш харажатлари	0,00				

**Буюртмачи:**

"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

**Пудратчи:**

ООО STRONG NETWORK



Р. Қоликназаров



А. Абдуллаев



№15/24/5458

**Қурилиш-монтаж қалтисликларини  
мажбурий суғурталаш  
ПОЛИСИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 феврал кунда берилган СФ серияли ва 00028-сонли Лицензия асосида фаолият юритувчи, қуйида «Суғурталовчи» деб аталувчи "GROSS Суғурта компанияси" АЖ ушбу билан 30.11.2022 йил даги 15/24/5458-сонли Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурталаш шартномаси (қуйида- Суғурта шартномаси) бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқлайди.

<b>СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ</b>	<b>"STRONG NETWORK" МСНҲ</b>
Юридик манзил	Фаргона Вилояти, Маргилон шаҳри, Али Кушчи кучаси, 61
<b>Қурилиш майдони манзили (СУГУРТА ХУДУДИ):</b>	Кува тумани, «Бойистон(Какир)» МФЙда янги қурилаётган куп каватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш
<b>ЖАМИ СУГУРТА ПУЛИ</b>	489 532 000,00 (Тўрт юз саксон тўққиз миллион беш юз ўттиз икки минг) сўм (қурилиш объекти қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда)
<b>Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги қалтислиги бўйича суғурта товони лимити</b>	90 000 000,00 (Тўқсон миллион) сўм
<b>Бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити</b>	20% дан ошмаган миқдорда
<b>Суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш харажатлари</b>	суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда
<b>СУГУРТА ҲОДИСАСИ</b>	суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ.
<b>СУГУРТА МУДДАТИ</b>	30.11.2022 йил дан 28.01.2023 йил гача
<b>СУГУРТА МУКОФОТИ</b>	325 000,00 (Уч юз йигирма беш минг) сўм
<b>МАХСУС ШАРТЛАР</b>	Суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ суғурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда Суғурта шартномаси (Суғурталовчининг мажбуриятлари) келишилган суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради.

**СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН**

**Фаргона филиали  
директори**



**Арипова Р.В.**

Полис берилган сана: 30.11.2022 йил

**0289422**

\*Полис бланки ҳимояланган

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 189182 на приобретение "Қува тумани "Бойистон" ("Қақир") МФЙда янги қурилатган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини қуриш" объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 23.11.2022

Время рассмотрения 23.11.2022 18:47

Закупочная комиссия Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича ИК Фарғона вил.худ. бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XOLIQNAZAROV RUSTAMJON SOTIVOLDIYEVICH	Бошқарма бошлиғи	«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	QURBONOV SALIMJON AXMADJONOVICH	Маркетинг булими бош мутахасиси	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича ИК Фарғона вил.худ. Бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	NISHONOV AXMADJON ANVAROVICH	Хуқуқшунос	«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ENAZAROV UMID KOCHKARVA YEVICH	Маркетинг булими бошлиғи	«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDURAIMOV SHERZOD IKRAMOVICH	Лойиха булими бошлиғи	«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши буйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	XO'JAYEV NODIR ABDUNOSIROVICH	БОШЛИГИНИНГ ИКТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БУЙИЧА УРИНБОСАРИ	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.11.2022 года № лота 189182.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 56

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Строительно монтажные работы</b>
Подробное описание	"Кува тумани "Бойистон" ("Қақир") МФЙда янги курилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини куриш"объектида курилиш монтаж ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	621 177 690.00
Стартовая сумма	621 177 690.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 IV. Иш тажрибаси. 4-шакл (15 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO STRONG NETWORK</b>	15	мавжуд	15	Экспертная		
<b>OOO FAR SIFATLI MANTAJ</b>	15	3 йиллик тажриба	10	Экспертная		

Критерий №2 III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар (18 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO STRONG NETWORK</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>OOO FAR SIFATLI MANTAJ</b>	18	бор	9	Экспертная		

Критерий №3 VII.Солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.(5 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO STRONG NETWORK</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		
<b>OOO FAR SIFATLI MANTAJ</b>	5	бор	5	Экспертная		

Критерий №4 II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл (12 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб-чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Ходимларнинг йиллик уртача сони 5-10 киши(ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан те

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO STRONG NETWORK</b>	12	мавжуд	10	Экспертная		
<b>OOO FAR SIFATLI MANTAJ</b>	12	бор	10	Экспертная		

Критерий №5 VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва қурилиш объектини ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл.(10 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (рамлар асосида акс холда ҳисобга олинмайди) Тавсиянома (вилоят (шаҳар) қурилиш бўйича ҳоким ўринбосари ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилган ҳолда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO STRONG NETWORK</b>	10	мавжуд	5	Экспертная		
<b>OOO FAR SIFATLI MANTAJ</b>	10	бор	3	Экспертная		

Критерий №6 V. Машина ва механизмлар рўйхати, 5-6 шакллар (20 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилишни бажариш учун зарур бўлган 1 та дан кам бўлмаган. Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади) танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа(қурилиш шартномалари) объектлари Қурилишни бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО STRONG NETWORK</b>	20	мавжуд	17	Экспертная		
<b>ООО FAR SIFATLI MANTAJ</b>	20	бор	17	Экспертная		

Критерий №7 I. Курилиш Рейтинги.(20 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг даражаси DD ва ундан юқори

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО STRONG NETWORK</b>	20	мавжуд	20	Экспертная		
<b>ООО FAR SIFATLI MANTAJ</b>	20	бор	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО FAR SIFATLI MANTAJ</b>	621 177 690.00	620 000 000.00 UZS	620 000 000.00	00.00	620 000 000.00	19.11.2022 14:18:44	9.8696
<b>ООО STRONG NETWORK</b>	621 177 690.00	611 915 000.00 UZS	611 915 000.00	00.00	611 915 000.00	19.11.2022 14:12:41	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО FAR SIFATLI MANTAJ</b>	57.6	9.8696	67.4696
<b>ООО STRONG NETWORK</b>	81	10	91

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 189182 от 23.11.2022 года на приобретение "Қува тумани "Бойстон" ("Қақир") МФЙда янги курилатган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик сув тизимини куриш"объектида курилиш монтаж ишларини бажариш определила победителем:

ООО STRONG NETWORK  
302852330

и резервный исполнитель: ООО FAR SIFATLI MANTAJ (307929633)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

<b>Председатель комиссии</b>	XOLIQNAZAROV RUSTAMJON SOTIVOLDIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NISHONOV AXMADJON ANVAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ENAZAROV UMID KOCHKARVAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAIMOV SHERZOD IKRAMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XO'JAYEV NODIR ABDUNOSIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



№	Объектлар номи ва маъноси	Қурилиш босқичининг ёки таъмир-яратиш ишларининг ташқи шартлари	Лойiha қуввати	Объектнинг узунлиги (шартича асосдан) ва кенлиги (шартича асосдан) бўлган ҳудуднинг кўлемлари	01.01.22 й. ҳолатига йилда йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўнгги қиймат билан) қолдиқ бўлган ҳудуддан, бундан ташқари бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига йилда йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўнгги қиймат билан) қолдиқ бўлган ҳудуддан, бундан ташқари бошқа харajatлари	2022 йил учун қиймат қўйималар - ливити					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилда йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўнгги қиймат билан) қолдиқ бўлган ҳудуддан, бундан ташқари бошқа харajatлари	Экспертиза ўтказилган тарих ва сана	Тендер (таълим)лар натижалари ва бўйсунуш баъзиона раъси ва сана	Қурилиш қураётган объект номи		
							Жами капитал қўйималар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жило	Бундан ташқари бошқа харajatлари	Жами	Муълдат/қувват	Асосий фонд суммаси						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	Елевон тумани "Елевон" МФЙ Бакор" массивида янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг ичкилик сўв тизимларини қуриш	2022-2023 йй	1,5 км 1 объект	602,61 17,21	602,61 17,21	602,61 17,21	573,34 17,21	556,13	17,21	17,21	17,21	17,21	29,27	№ 62/07 21.09.22 й					
	шу жумладан ЛҚИ:																		
5	Елевон тумани "Елевон" МФЙ Бакор" массивида янги қуриладиган кўп қаватли уй-жойларнинг оқома сўв тизимларини қуриш	2022-2023 йй	2,24 км	2 064,23 99,85	2 064,23 99,85	2 064,23 99,85	1 966,02 99,85	1 866,16	99,85	99,85	99,85	88,20	98,22	№ 45/01-06/1- 71/09 18.10.2022 й					
	шу жумладан ЛҚИ:																		
	Таъсис қилинган ливити																		

\*) Объектнинг қуввати ва қиймати лойiha-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқланади ва молиявий тартиб бўйича

"Сўв таъминоти ва оқома сўв тизимларини қуриш бўлими" бўлимига иккинчи инжиниринг компанияси" УК ширкати билан ҳамкорлик қилиш бўлими бошлиғи

"Келишилди"  
Фаргона вилояти молия ва бошқармаси бўлими

"Келишилди"  
Фаргона вилояти молия ва бошқармаси бўлими

"Келишилди"  
Фаргона вилояти молия ва бошқармаси бўлими

